



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "30" aprel

Қ-338 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви**  
**“Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “BUNYODKOR**  
**NORTOY MAKS” МЧЖга “Чорва комплекси”**  
**қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 апрелдаги 02-05/268-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 29 мартдаги 42-сон хулосаси, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 09 мартдаги 01-05/80-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви “Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “BUNYODKOR NORTOY MAKS” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 461қ ва 461ақ-дала контурларидаги жами 2,10 гектар, шундан 2,0 гектар яйлов ва 0,10 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари “Чорва комплекси” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “BUNYODKOR NORTOY MAKS” МЧЖ 2,0 гектар яйлов ер майдонига “Чорва комплекси” қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 30 586 040 (ўттиз миллион беш юз саксон олти минг қирқ) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини

доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**